

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10858898>

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА ЁШЛАР МАЪННИЯТИ

Жўраева Фарангиз Баҳром қизи

Йуриспруденсия йуналиши талабаси

Email: farangizjorayevaaa@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушибу мақолада минтақа ва жаҳон малакатлари миқёсидаги экологик муаммолар, уларни бартараф эитиш ийлидага ижтимоий ва сиёсий харакатларнинг йўналишлари кўрсатиб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат ва хукумат қарорлари, қонунлари, норматив-хуқуқий хужжатларда акс эттирилган чора тадбирлар ва уларни жойлардаги ижросини тамиллаш брасидаги сиёсати таҳлил этилади.

Калим сўзлар: экология, атроф-муҳит, “Яшил макон”, экологик назорат, экологик маданият.

Кириш. Охирги йилларда дунё ҳамжамияти тузатиб бўлмас экологик муаммоларга дуч келмоқда. Индустрисиал ва постиндустрисиал давлатлар ишлаб чиқариш на техника тараққиёти, атроф-муҳитнинг ифлосланиши шу даражага олиб келдики, оқибатда мавжуд табиий ресурслар океанлар, денгизлар, дарёлар, ўрмонлар, атмосфера ва бошқалар асталик билан йўқ қилина бошланди. Натижада инсоният учун жуда муҳим экологик муаммолар келиб чиқа бошлади. Шунингдек, иқлимининг ўзгаришлари, озон катламининг емирилиши, чўллашиш ва ернинг деградацияси, биохилма-хилликнинг қискариши, ичимлик сувининг ифлосланиши ва етишмаслиги, аҳоли сонининг ортиб бориши, ортиқча хажмдаги чиқиндиларнинг хосил бўлиши, ўрмон ва тупроқ инқирози

кабилардир. Экологик барқарорликни таъминлашда мазкур муаммоларни ўз вақтида хал этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Акс холда, умумбашарий моҳият касб этувчи бу муаммоларни бартараф этиш мушкул вазифага айланиб бораверади.

Асосий кисм

Ўзбекистан Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ўз уставларига кўра атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар тайёрлашда, шунингдек, экологик дастурларни ишлаб чиқиш хамда уларни амалга оширишда иштирок этиши, жамоатчилик экологик назоратипи олиб бориши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда доимий равищда ишлаб чиқариш ва атроф-мухит ўртасидаги мувозанатни ўрнатиш нуқтаи назаридан хуқуқий меъёрий ҳужжатлар амалга оширилиб борилмоқда. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатимизда қатор қонунлар, қарорлар ва фармойишлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунлари, Ер кодекси ва бошка хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган[1].

Қўйида экологик муаммоларни бартараф этиш чоралари, Ўзбекистон хукумати томонидан амалга оширили, борилаётган тадбир ва чоралар хусусида тўхталиб ўтамиз. Улар

■Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 августдаги "Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-

тадқиқот институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори[2].

▪Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 августдаги «Табиат ҳимоячиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги 443-сон қарори[3].

▪2022 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “БМТнинг тараққиёт дастури ва глобал экологик жамгарма иштироқида “Орол денгизи ҳавзаси ландшафтининг таназзул ерларида барқарор ҳаётни таъминлашни қўллаб-қувватлайдиган асос сифатида кўллар, сув-ботқоқ ерлари ва қирғоқбўйи ҳудудларини сақлаш ҳамда бошқариш” лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 686-сон қарори[4].

Республикада экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадада “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ишлаб чиқилда ва тарғиб этила бошланди[5]. Президентнинг 30.12.2021 йилдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 46 сон Фармони билан бутун мамлакат миқёсида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси татбиқ этила бошланди.

Лойиҳа доирасида мамлакатимизда дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган ва қўйидаги чора тадбирлар амалга оширила бошланди:

❖ дарахтларни экиш ва парвариш қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш;


❖ илмий ёндашувлар асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим ва бошқа хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқот ва таҳлилларни амалга ошириш ҳамда бунинг натижасида ҳудудлар кесимида республика харитасини ишлаб чиқиши;

❖ кўчатхоналар сонини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар иқлимига мос хорижий манзарали дарахтларни маҳаллийлаштириш;

- ✚ худудларда "яшил боғлар" ва "яшил жамоат парклари"ни барпо этиш;
- ✚ дарахтларни сугориш тизимини қайта кўриб чиқиш, унинг самарали фаолиятини таъминлаш;
- ✚ ҳар бир дарахтни парвариш қилиш учун масъул бўлган шахсларни белгилаш, бу борада рағбатлантириш механизмларини кенг жорий этиш;
- ✚ дарахтларни шикастлантириш ва нобуд қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратни кучайтириш масаласи оммалаштирилди.

Кейинги йилларда Орол денгизининг халокати каби йирик экологик муаммола Киргизистондаги радиоактив ифлосланиш, Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳридаги Регар алюминий заводининг атмосфера хавосини заҳарли моддалар билан ифлослантираётгани каби муаммолар қўшилиб бормоқда. Бу албатта, ёш мустакил давлатлар иқтисодаётига кескин таъсир этиш ва экологик хавфсизликка путур етказиши мумкин. Афсуски бу каби глобал муммолар нафақат мамлакат балки бутун дунйо табиати ва экологиясига жиддий зарар бермоқда, оқибатда ҳазрати инсон саломатлиги ва дахлсизлигига раҳна солинмоқда.

Название диаграммы



Yerdan unumli foydalanish.

ХУЛОСА

Юқорида баён этилган мулоҳазаларимиздан хulosа қиладиган бўлсак, давлатнинг экологик функцияси жамият билан табиат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун объектив зарурат бўлиши даркор. Давлатнинг экологик функцияси, у назарий жихатдан тан олиниш-олинмаслигидан қатъий назар, амалда ўз вазифасини сидқидилдан амалда қўлласагина натижа кутилгандек аъло даражада бўлади. Шунингдек, инсонни табиатга булган меҳрини оцириш, табиий ресурсларни нобут қилмасдан фойдаланиш, дўстона муносабат шакиллантирилсагина табиат ҳам инсонга нисбатан ўз ижобий муносбатини беради албатта. Зеро, инсон танаси табиат неъматлари билангина тирик ва яшайди, шуларни инобатга олиб, ёшлар онгидаги табиатга нисбатан эҳтиром ва асрраб-авайлаш руҳини сингдириш керак ва зарур шартлардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Фозиев С., Сайтқосимов А. Экологик муаммолар ва ёшлар тарбияси. Тошкент: «Тафаккур», 2016 йил. -160 б, 4-б

Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.08.2022 й., 09/22/458/0754-сон <https://lex.uz/docs/6162576>

2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2022 й., 09/22/443/0728-сон. <https://lex.uz/uz/docs/6148919>

3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2022 й., 09/22/686/1054-сон. <https://lex.uz/docs/6302471>

5. <https://lex.uz/docs/5776122>